

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2020 йил "10" март да
44 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки




“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИ

(Янги тахрири)

2020 йил «24» февралдаги
“Трастбанк” ХАБ
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
50 - сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк кузатув кенгаши



Т.М. Шарипов

I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1. "Трастбанк" акциядорлик биржа банки корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва шахслар ўртасида 1994 йил 2 апрелдаги Таъсис йиғилишининг қарорига биноан очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2006 йил 31 январдаги ва 2007 йил 27 июлдаги қарори бўйича банкнинг мақоми хусусий очик акциядорлик биржа банкига ўзгариши муносабати билан уставга ўзгартиришлар киритилган. 2014 йил 6 майдаги янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига асосан 2014 йил 19 июнда ўтказилган Банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига кўра, банк мулкчилик шаклини ўзгартириш мақсадида "Трастбанк" хусусий акциядорлик биржа банки номига ва унинг уставига ўзгартириш киритилди.

2014 йил 12 сентябрда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги қонунига мувофиқ 2015 йил 3 июнда ўтказилган банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига кўра "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки номига ва унинг уставига ўзгартириш ва қўшимча киритилди.

2. Банкнинг фирма номи (тўлик):

Ўзбек тилидаги лотин ёзувида: "Trustbank" xususiy aksiyadorlik banki;

Ўзбек тилидаги кирилл ёзувида: "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки;

рус тилида: Частный акционерный банк «Трастбанк»;

инглиз тилида: Private joint stock bank «Trustbank».

3. Банкнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилидаги лотин ёзувида: "Trustbank" XAB;

Ўзбек тилидаги кирилл ёзувида: "Трастбанк" XAB;

рус тилида: ЧАБ «Трастбанк»;

инглиз тилида: PJSB «Trustbank».

4. "Трастбанк" ХАБ (матннинг кейинги ўринларида "Банк" деб юритилади) ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавобгар бўлади. Ўз номидан мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, суд органларида ва арбитражда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

5. Банк ўзининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги тўлик фирма номи ёзилган, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва жойлашган манзили кўрсатилган юмалок муҳрга, штампга, номи ёзилган бланкаларга эга бўлиб, ўз рамзи ва фирма услубидан фойдаланади.

6. Банк тўлик ҳўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи молиялаш асосида фаолият юритади. мустақил балансга, вакиллик ҳисобрақами, миллий ва хорижий валютадаги бошқа ҳисобрақамларга эга.

7. Банк Ўзбекистон Республикасининг ягона банк тизимига қиради. У ўз фаолиятида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг қафолатлари тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари ва халқаро Банк амалиёти стандартлари, банк операцияларини юритишга доир бошқа қонун ва меъёрий тусдаги ҳужжатлар, мазкур Уставга риоя қилган ҳолда, улар асосида миқдорларга хизмат кўрсатиш қоидаларини мустақил ишлаб чиқади.

8. Банк фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил қилинади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензия ва амалдаги қонунчилик нормалари асосида амалга оширади.

9. Банк уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

10. Банк у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига ва электрон почта манзилига эга.

Банкнинг жойлашган манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz

Банкнинг расмий веб-сайти: www.trustbank.uz.

II. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

11. Банк – банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилотидир.

12. Банк шартнома асосида пул маблағларини депозитлар, кредитлар шаклида жалб этиши ва жойлаштириши, ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни бажариши мумкин.

13. Банк ўз фаолиятида қуйидаги молиявий банк операцияларини амалга оширади: пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фойзлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миқдор билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффилиланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг

ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

14. Банк банк фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

15. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шугулланишга ҳақли эмас. бироқ қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага бериш;

банк активларини сотиш;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатиш;

сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

банк ўзи муассисе бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкый ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага бериш.

16. Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

кредит, сугурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қогозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қогозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

факат инкассация фаолияти билан шугулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюрolari;

қимматли қогозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йиғирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Банкнинг банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгаллик қилувчи юридик шахснинг устав фондида иштирок этиши тақиқланади.

17. Банк бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олади. Банк бошқа банкнинг устав капиталдаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Инвестицияларни амалга ошириш Банк томонидан барча ўрнатилган иқтисодий нормативларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

18. Банк ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

19. Банк ўз фаолиятини амалга ошириш учун қуйидагиларга ҳақлидир:

банк кредит ва бошқа банк хизматлари кўрсатадиган мижозлардан уларнинг молиявий аҳволини ўрганиш учун зарур бухгалтерия, молия, статистика ва бошқа маълумотларини олиш;

қарз олувчи Банк олдидаги ўз мажбуриятларини сўндирмаган тақдирда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирувчи таъминотга қаратиш;

банк эгаллигида бўлган мулкни амалдаги қонунчилик доирасида тасарруф этиш; омонатчилар ва қарз олувчилар билан шартномавий асосда депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилаш; миқдорларга кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақлари миқдорларини мустақил равишда белгилаш.

Банк амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

20. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзининг барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Акциядорлар Банк мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қонлаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

21. Банк, агар қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўзининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиши мумкин.

22. Банк молиявий операцияларни ўтказиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақилдир.

23. Банк Марказий банкнинг руҳсатномасини олгандан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эга.

24. Банк жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашни тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этади.

III. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ. УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

25. Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ташкил топади. Банк ўз акцияларини Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларига, резидент ва норезидентларига сотиш ҳуқуқига эга. Банк томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлади. Банк устав капитали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган энг кам миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

26. Банкнинг устав капитали 225 250 000 000 (Икки юз йигирма беш миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

Оддий – 225 227 000 (Икки юз йигирма беш миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.

27. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 200 000 000 (Икки юз миллион) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 200 000 000 (Икки юз миллион) дона.

Банк устав капиталини кўпайтириш

28. Банкнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банк устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Банк қузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

29. Кўшимча акциялар мазкур Уставнинг 27-бандида кўрсатилган Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина Банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Банкнинг устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Банк уставига кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Банк қузатув кенгаши қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор банкнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

Банк устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, аynи ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банкнинг устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Банк устав капиталини камайтириш

30. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисmini кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни қайта сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банк устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Банк уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Марказий банкнинг тегишли рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилар экан акциядорлар умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабаблари ва камайтириш тартибини белгилайди.

Устав капиталини жойлаштирилган акцияларнинг номинал қийматини пасайтириш йўли билан камайтиришда Банк томонидан номинал қиймати пасайтирилган акциялар чиқарилади. Бунда жойлаштирилган қатта номинал қийматдаги акциялар янги чиқариладиган номинал қиймати пасайтирилган акцияларга айирбошланади.

Банк томонидан акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан қайта сотиб олинган ва Банк томонидан қайта сотиб олинган пайтдан бошлаб бир йил ичида сотилмаган акциялар мавжуд бўлганда Банк акциядорлари умумий йиғилиши Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилади.

31. Банк, агар бундай камайтириш натижасида устав капиталининг миқдори Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган минимал миқдордан кам бўлиб қолса, ўзининг устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

32. Устав капиталини камайтиришда Банкни тугатиш ҳолатида кўзда тутилган акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя қилиш зарур.

33. Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида ўзларига

билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрни коплашини талаб қилишга ҳақли.

34. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ банк соф активларининг қиймати унинг устав капиталидан оз бўлиб чиқса, банк ўз устав капиталини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириши шарт.

35. Банкнинг устав капиталини камайтириш ёки банкни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек ваколатли давлат органлари банкни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

IV. БАНК ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ

36. Банк томонидан эмиссиявий, эгасининг номи ёзилган, ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 (Бир минг) сўм бўлган оддий ва имтиёзли акциялар муомалага чиқарилади.

37. Банк акцияси бўлинмасдир. Агар банк акцияси умумий мулк ҳукуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги банк акцияси унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

38. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция банкнинг овоз берувчи акциясидир.

Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақли.

39. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

40. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк устав капиталининг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги керак.

41. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига акцияларнинг номинал қийматига нисбатан қатъий белгиланган миқдорда биринчи галда дивидендлар, шунингдек Банк тугатилганда акцияларга киритилган маблағларни олиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар бўйича дивиденднинг миқдори ва тугатилиш қиймати қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади.

42. Банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермайди, қуйидаги ҳолатлар бундан муестасно:

имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки қўпайтириш ёки тугатилиш қийматини белгилаш ёки қўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ёки бу акцияларнинг тугатилиш

кийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳукуки берилганда;

имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳукуки билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукукига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб овоз бериш ҳукукига эга бўлганда.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳукуки мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

43. Банкнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин. Ушбу имтиёзли акциянинг эгаси ўзига тегишли имтиёзли акция айирбошланиши мумкин бўлган оддий акциялар бўйича овозлар сонидан ошиб кетмайдиган миқдордаги овозларга эга бўлади.

44. Банк корпоратив облигациялар, юридик шахслар учун депозит сертификатлар, жисмоний шахслар учун жамғарма сертификатлар, халқаро облигациялар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа турдаги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ҳукукига эга. Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тартиби, уларнинг миқдори, муомала муддати, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш тартиби амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг метёрий ҳужжатлари ҳамда Банк ички норматив ҳужжатларига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилади.

45. Банк томонидан чиқариладиган қарз қимматли қоғозларига эркин айирбошланадиган чет эл валютасида ҳақ тўлаш кўзда тутилган ҳолларда, ушбу ҳоллар алоҳида равишда ҳар бир қимматли қоғозлар чиқарилиши шартларида (эмиссия рисоласида ёки қимматли қоғозлар чиқарилиш шартларида) кўрсатиб ўтилади ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

V. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА СОТИБ ОЛИШ

46. Банк акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни (очик ёки ёпиқ обуна бўлиш орқали) жойлаштиришга ҳақлидир. Акцияларнинг очик обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида ўтказилади.

47. Банк томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати банк давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Банк томонидан банкнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

48. Юридик ёки жисмоний шахс ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк устав капиталига улуш сифатида пул маблағларини киритишлари мумкин. Бунда ушбу шахслар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки руҳсатномасини олиши шарт.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Имтиёзли солик режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

49. Акциялар ҳамда бошқа эмиссиявий кимматли коғозлар кимматли коғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий кимматли коғозлар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

50. Акцияларнинг ва бошқа эмиссиявий кимматли коғозларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қондабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акциялар ва бошқа эмиссиявий кимматли коғозларнинг олтинчи фоиздан кам қисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

51. Банкнинг устав капитали кўпайтириляётганда банкнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш банк акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

52. Банк акциядорлари Банк томонидан чиқариладиган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган кимматли коғозларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдorigа мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларнинг факат бутун миқдорини олиш мумкин.

53. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган акциялар ва кимматли коғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати ушбу кимматли коғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш санасидаги Банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати акцияларнинг қўшимча эмиссиясини чиқариш тўғрисидаги ахборот эълон қилинган пайдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

54. Банк акцияларининг ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, кимматли коғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган Банк қузатув кенгаши томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таъкиф этиши шарт.

Билдириш матнида жойлаштириляётган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларнинг сони, уларни жойлаштириш нархи, ҳар бир акциядор олишга ҳақли бўлган акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларнинг сонини аниқлаш тартибн, акциядорларнинг бу ҳуқуқи амал қиладиган муддат ва уни амалга ошириш тартибн тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

55. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий кимматли коғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка тақдим этилиши керак.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати, агар бу муддат ўтгунига қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Банк имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозларни уларни олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларга жойлаштиришга ҳақли эмас.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугагандан кейин қолган акциялар ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли коғозлар уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда Банк томонидан белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

56. Банк ўзи жойлаштирган акцияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисmini олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан банк устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

Банк ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банкка аризани ва ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини кўрсатган ҳолда банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини тақдим этади.

Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати Банк устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, Банк жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисmini олиш йўли билан Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида Банк томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

57. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинадиган акцияларнинг турлари, банк оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилади.

Қайтариб сотиб олинаётган акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Банк томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

58. Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, банк эса уларни олиш шарт. Агар банк томонидан олиниши тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони банк томонидан қайта сотиб олишга доир белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда банк олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

59. Акциялар олинadиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда банк муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни банк томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ва бу маълумотни Банкнинг корпоратив расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этади. Билдиришда мазкур Уставнинг 57-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

60. Имтиёзли акцияларни қайта сотиб олиш мазкур акцияларнинг бозор баҳосида амалга оширилади.

Банк тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳукукини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

61. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида банк тасарруфига ўтган акциялар улар банк тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай инвесторлар ўртасида жойлаштирилиши керак, ақс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилини лозим. Кўрсатилган муддатда жойлаштирилмаган акциялар ўрнатилган тартибда бекор қилинади.

62. Банк томонидан ўз акцияларининг олиниши, мустакил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Банк ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

63. Банк ўзи жойлаштирган акцияларни қуйидаги ҳолларда қайтариб сотиб олишга ҳақли эмас:

Банкнинг бутун устав капитали батамом тўлангунига қадар;

агар акцияларни олиш пайтида банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни олганлиги натижасида пайдо бўлса;

агар оддий акцияларни олиш пайтида банк соф активларининг қиймати унинг устав капиталидан, захира фондида ва жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг банк уставига белгиланган тугатиш қийматининг номинал қийматидан ортиқ қисмидан кам бўлса ёхуд акцияларни олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ қайтариб сотиб олиш тўғрисида талаб қўйилган ҳамма акциялар Банк томонидан қайтариб сотиб олинмагунича.

64. Овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар агар улар қуйидаги масалалар юзасидан қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг барчаси ёки бир қисми Банк томонидан қайтариб сотиб олинишини қуйидаги ҳолларда талаб қилишга ҳақлидир:

банкни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида қарор қабул қилинганда;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ банк томонидан мол-мўлқни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузилганда;

банк уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда.

Ўзларига тегишли акциялар банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келиши мумкин бўлган масалалар қун тартибига киритилган акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат банкнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

65. Овоз бериш натижасида конунчиликка мувофиқ Банк акцияларни қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳукуки вужудга келиши мумкин бўлган масалалар киритилган акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказиш тўғрисида акциядорларга етказиладиган хабарномада акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларни Банк қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳукукига эга эканлиги, қайтариб сотиб олиш баҳоси ва уни сотиб олиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлади. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳукукига эга бўлмаган акциядорларга, Банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳукукининг амалга оширилиши тўғрисидаги хабарнома, Банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ҳукукини юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинганидан кейин етти кундан кечиктирмай юборилади.

66. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги ёзма талаби акциядорнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва унинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилаётган акциялар сони кўрсатилган ҳолда Банкка юборилади.

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг банк томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банкка тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг банк қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн иш куни ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

67. Банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш овоз бериш натижасида акцияларнинг банк томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳукуки вужудга келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган нарх бўйича амалга оширилади. Банк томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳукуки юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги банк устав капиталининг 10 (ўн) фоизидан ошishi мумкин эмас. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инобатга олинган ҳолда банк томонидан қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

Банк қайта ташкил этилган тақдирда банк томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бекор қилинади.

68. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ Банк жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда Банк уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қиймати ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартiriшлар киритилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банк жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида Банкнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда Банк уставига банкнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қиймати ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартiriшлар киритилади.

69. Банк уставини 64-бандида (56-бандда назарда тутилган ҳолатлар учун) назарда тутилган бошқа ҳолларда банк томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар банк тасарруфига ўтади. Мазкур акциялар овоз бериш ҳукукини бермайди, овозларни санап чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисобланмайди.

VI. ФОЙДА, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

70. Банк соф фойдани тақсимлашда мустақилдир.

71. Банк фойдаси амалдаги конунчиликда кўзда тутилган тартибда аникланади. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга тегишли солиқлар, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг Банк ихтиёрида қоладиган фойда соф фойдадир. Соф фойда дивиденд кўринишида акциядорлар ўртасида тақсимланиши, конунчиликда ва Банк уставида белгиланган тартибда банк фондларини шакллантириш, шунингдек конунчиликка мувофиқ бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

72. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

73. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ёки молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

74. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Банк қузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк қузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендларни тўлашнинг бошланиши ва тугаш санаси кўрсатилган бўлиши лозим.

75. Дивидендлар банкнинг банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ёки ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

76. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби Банкнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

77. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича ушбу акцияларнинг номинал қийматига нисбатан йиллик 15 (ўн беш) фоиз миқдоридан келиб чиқиб дивиденд тўлаб берилади. Мазкур дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда, Банк мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Банк томонидан дивидендлар тўлаш рад этилган тақдирда, акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб йишлатган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банк томонидан Банкнинг фақат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ушбу фонд доирасидагина тўланиши мумкин.

78. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш

ҳуқуқига эга бўлади.

79. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Банкнинг айби билан тўланмаган тақдирда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Банк томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендларни тўлаш Банк томонидан рад этилган тақдирда, Банкга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

80. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Банк ихтиёрида қолади.

81. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек Банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

прүденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошқор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда;

Банк устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда Банкда тўловга қобилиятсизлик ёки банкротлик аломатлари мавжуд бўлса ёки Банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган иктисодий нормативлар бузилган, шунингдек дивидендлар тўлаш натижасида иктисодий нормативлар бузилиши ва омонатчилар ҳамда кредиторларнинг манфаатларига таҳдид юзага келиши мумкин бўлса;

қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олади:

тўланадиган дивидендларнинг умумий суммаси банк ўз капиталининг ўн фоизидан ортиганди;

жорий ёки ўтган чоракда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

82. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг корпоратив веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

83. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

84. Агар Банк молия йилини зарар билан якунлайдиган бўлса, кўрилган зарар Банк

томонидан махсус ташкил этилган фондлар (турли захира маблағлари билан бирга) маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда биринчи навбатда Банк уставда белгиланган имтиёзли акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади.

VII. БАНКДА ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

85. Банк қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқ фондларни шакллантиришга ҳақли. Банк фондларининг мақсади, миқдори, шакллантириш тартиби ва манбалари, шунингдек банк фондларидан фойдаланиш тартиби, йўналиши ва маблағларни фонддан фондга қайта тақсимлаш тартиби Банк қузатув кенгаши қарори билан белгиланади.

86. Банкнинг захира фонди амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўрилган зарарларни қоплаш мақсадида тузилади. Захира фонднинг энг кам миқдори Банкнинг рўйхатга олинган устав капитали миқдорининг 15 (ўн беш) фоизини ташкил қилади. Захира фондига ажратмалар барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг Банк тасарруфида қолган ҳисобот йилининг соф фойдаси ҳисобидан, Банк Акциядорлари умумий йиғилиши йиллик бухгалтерия ҳисоби ва фойдани тақсимлаш тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқланганидан сўнг амалга оширилади. Банк молия йили якунлари бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ҳар чоракда ва/ёки ҳар ойда захира фондига соф фойдадан белгиланган улушда (фоизда) ажратмаларни ажратишга ҳақлидир. Бундай ҳолда Банк томонидан йил давомида амалга оширилган захира фондига ажратмаларнинг умумий суммаси молия йили якунлари бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши лозим ва Банк томонидан йил давомида олинган соф фойда суммасидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Банк захира фондига йиллик ажратмалар миқдори мазкур Уставда белгиланган минимал миқдорга еттунига қадар соф фойданинг камида 5 (беш) фоизини ташкил қилади.

87. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш. Банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Банк маблағлари етмай қолганида акцияларни қайта сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

88. Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тасдиқланган нормативлар бўйича жалб қилинган маблағларнинг бир қисmini Марказий банкнинг мажбурий захиралар фондида депонентлайди.

89. Банк ўз фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қондалари ва нормативларига мувофиқ турли фондлар ва захираларни ташкил қилиши мумкин.

VIII. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

90. Банк мижозлар тўғрисидаги Банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар муҳофаза қилинишини кафолатлайди.

Банк томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотлар қуйидагилар ҳисобланади:

ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобрақамлари ва омонатларига доир маълумотлар;

банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар;

мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулк, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

мижоз (вакил) топширигига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг миждозига (вакилига) доир маълумотлар;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобрақамларидаги пенсия фондлари тўғрисидаги маълумотлар.

91. Банкка унинг миждозлари ва вакиллари томонидан ишониб топширилган пул маблағлари ва бошқа қимматликларининг бут сакланиши Банкнинг барча мол-мулки, унинг қонунчилик ва уставга мувофиқ ташкил қилинадиган пул фондлари ва захиралари, шунингдек Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартибда амалга ошириладиган Банкнинг молиявий аҳволи барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш чоралари билан қафолатланади.

92. Банк амалдаги қонунчиликка мувофиқ кредит ташкилотлари учун кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган мажбурий нормативларга мувофиқ ўз баланси тузилмасини тартибга солиш йўли билан зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун доимий тайёр ҳолатда бўлади.

93. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобрақамларидаги ва омонатларидаги ёки Банк томонидан сакланаётган бошқа пул маблағларига ва қимматликларига факат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда банд солиниши ёки ундириб олишга қаратилиши мумкин.

94. Банк миждозларнинг ҳисобрақамлари, омонатлари бўйича ўтказилган операциялар сир сакланишини амалдаги қонунчиликка асосан қафолатлайди.

95. Банк, агар маълумот бериш тўғрисидаги талаб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ бўлмаса, Банк сирини ташкил этувчи маълумотни беришни рад этишга мажбурдир.

IX. БАНКНИ БОШҚАРИШ. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

96. Банкнинг бошқарув органлари қуйидагилар ҳисобланади:

Банк акциядорларининг умумий йиғилиши;

Банк кузатув кенгаши;

Банкнинг ижроия органи – Банк Бошқарувидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Банк ўз фаолияти учун корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

97. Банк акцияларига эга бўлган ва Банк акциядорлари реестрига киритилган юридик ва жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидент ва норезидентлари Банк акциядорлари деб ҳисобланади.

98. Банк акциядорлари қуйидагиларга ҳақли:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

инвестиция воситачисидagi депозит ҳисобрақамидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисmini дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улўшга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисmini олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олинган дивидендларни эркин тасарруф этиш;

кимматли коғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

ўз акцияларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга (шу жумладан норезидент жисмоний ва юридик шахсларга) сотиш йўли билан акциядорлар таркибидан чиқиш;
акциядорлар умумий йиғилишида Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатларига кирувчи масалалар бўйича овоз беришда "битта акция – битта овоз" қоида­сига муво­фик иштирок этиш, бунда овозлар сони битта акциядор томонидан сотиб олинган акциялар миқдорига бевосита боғлиқ;

кимматли коғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва Банк уставига мувофик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Банк акциядорлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик тегишли чоралар (алоҳида тартиб ишлаб чиқиш, маълум ҳаракатларни чеклаш) кўриш орқали амалга оширилади.

99. Банк акциядорлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб Банк томонидан шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юборилган ёзма мурожаатларга тегишли жавоб қайтаришлари шарт.

100. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

101. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни – мазкур акциялар эгасини банкни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

102. Банк ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши одатда ҳар йили 1 апрелдан 30 июнгача бўлган вақт оралиғида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Банк ижроия органи (банк Бошқарув Раиси) билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи, Банк ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўри­лаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

103. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг рўйхати Банк кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

104. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар қиради:
Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

банкни қайта ташкил этиш;

банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Банк кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

банкнинг устав капиталини кўпайтириш;

банкнинг устав капиталини камайтириш;
банк устав капиталини камайтириш ва сонини кескартириш оркали ўз акцияларини кайта сотиб олиш;

банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиклаш;

Банк кузатув кенгаши томонидан тайинланган (Банк Бошқаруви Раиси хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида ҳам тайинланиши мумкин), Банк Бошқарув Раисини тасдиклаш;

банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги низомни тасдиклаш;

банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкнинг узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиклаш;

жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари

банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Банк кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалари юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ҳулоасини эшитиш;

акциядорлар томонидан Банк акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қогозларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиклаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг "Жамият томонидан йирик битимлар тузиш" ва "Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш" бобларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

105. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банк кузатув кенгашига ва Банк Бошқарувида ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

106. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қўйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

мазкур Уставда назарда тутилган ҳолларда Банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори. Банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) овози билан қабул қилинади.

Мазкур Уставнинг 104-бандининг 2, 3, 4, 6, 15 хатбошиларда кўрсатиб ўтилган ва қонунчиликда белгиланган тартибда йирик битим ва аффилиланган шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциядорларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилиги овози (маънавий кўпчилиги) билан қабул қилинади.

107. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин

шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

108. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Банк томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, Банкнинг корпоратив расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйдагилар кўрсатилиши керак:

банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

банк акциядорларининг реестри шакллантирилаётган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан акциядорларни таништириш тартиби.

109. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўн эътиб белгиланиши мумкин эмас.

110. Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) кун тартиби бўйича ўз таклифларини йиғилиш чақирилишидан йигирма кун олдин киритиш ҳуқуқига эга.

Банкнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк кузатув Кенгаши ва тафтиш комиссиясига акциядорлар йиғилишида сайлаш учун номзодларни йиғилиш чақирилишидан олтмиш кун олдин киритиш ҳуқуқига эга.

111. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари бажарилмаган тақдирда кун тартибини белгилан ҳуқуқи билан Марказий банк талаби асосида ўтказилади.

Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банк кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Банкнинг кузатув кенгаши банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорларнинг (акциядорнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорлардан (акциядордан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), ушбу тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги

талаб акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

Банкнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида ёки йигилишни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни талаб қилаётган акциядорлар (акциядор) мазкур Уставнинг 111-бандининг иккинчи хат бошида назарда тутилган миқдордаги Банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

қун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;

қун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Устав талабларига мувофиқ бўлмаса.

Банк кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йигилишни чакиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йигилиш чакиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Банк кузатув кенгаши ушбу Уставада белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чакиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши уни чакиришни талаб қилган шахслар томонидан чакирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра Банк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

112. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Банк кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

Санок комиссиясининг таркиби камида 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига Банк кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк Бошқаруви Раиси, Банк Бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида қворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йигилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Банкнинг архивига топширади.

113. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (қворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун қворум бўлмаса, ўша куннинг ўзида акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиш санаesi эълон қилинади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар Банк акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирк) фоизидан кўпроқ овозга эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Банк акциядорларининг такрорий умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга қўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофик аникланади.

Х. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

114. Банк кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир, қонунчиликка мувофиқ ҳал қилиш Акциядорлар умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Банк кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилиши таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига қўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

115. Банк кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йигилиши томонидан 1 (Бир) йил муддатга сайланади. Банк кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк кузатув кенгашининг аъзолигига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишиб олади.

Банк Бошқаруви аъзолари ва Бошқарув Раиси Банкнинг Банк кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас. Айни шу банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар Банк кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қуйидаги ҳолларда шахс Банк кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра мудлатидан илгари тугатилган бўлса.

Банк кузатув кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини қўллаб – қувватловчи аъзолар киритилиши керак. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши керак. Банк кузатув кенгаши 7 (етти) кишидан иборатдир. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

116. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Банк бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан мазкур Уставнинг 111-бандининг 10-хатбошида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк

акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашини учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишига Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масаласини киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Банк Бошқарув аъзоларини (Бошқарув Раисидан ташқари) сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

банкнинг йиллик бизнес-режаси ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида ўрта муддатли бизнес-режани тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Банк кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни Банк Бошқарувидан олиш. Банк кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат максалларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

банкнинг захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;

банкнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиш, уларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банкнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш ва тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукукларини ҳимоя қилиши тўғрисида"ги қонунининг "Жамият томонидан йирик битимлар тузиш" ва "Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш" бўбларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Банк томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали банк устав капиталини кўпайтириш;

банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

эмиссиявий қимматли коғозларни чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эмиссиявий қимматли коғозларни чиқариш тўғрисида қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли коғозларни жойлаштириш ҳужжатларини тасдиқлаш;

банк акцияларини жойлаштириш (қимматли коғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

байк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банкнинг неэмиссиявий қимматли коғозларини муомалага чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш ва чиқарилиш шартларини тасдиқлаш;

қимматли коғозлар ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Банк кузатув кенгаши қошидаги қўмиталар тузилиши ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Банк Бошқарув органлари фаолияти тартибини белгилайдиган ҳужжатларини тасдиқлаш;

қонунчиликда белгиланган тартибда кейинчалик қайта сотиш мақсадида жойлаштирилган акцияларни қайта сотиб олиш;

ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқаруви хисоботини эшитиш;

банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик хисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳолашни;

банк фаолиятини бошқариш тизими самардорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

банкнинг узок муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

Марказий банк талабларига ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

117. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар хал килиш учун Банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

118. Банк кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади. Банк кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади. мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Банк кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

119. Банк кузатув кенгашининг мажлиси Банк кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Банк кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси), Банк Бошқаруви, банкнинг овоз бериш ҳукукига эга бўлган акцияларнинг бир фоиздан кам бўлмаган қисмига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), шунингдек амалдаги қонунчиликка асосан бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

Банк кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Банк кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Банк кузатув кенгаши аъзоларининг сони етмиш беш фоиздан кам бўлган тақдирда, Банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакирилиши шарт. Бундай ҳолларда Банк кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилинган, шунингдек банк Бошқарув Раисининг ваколатларини муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

120. Банк кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк кузатув кенгашининг мажлисида масалалар хал этилаётганда Банк кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Мазкур Уставнинг 116-бандининг 22, 25, 26 ва 31 хатбошисида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Банк кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Банк кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Қарор қабул қилиш чоғида Банк кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлганда Банк кузатув кенгаши Раиси хал қилувчи овозга эга бўлади.

Банк кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисида ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган Банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Банк кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинган тақдирда, мазкур қарор Банк кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлади.

Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Банк ижро этувчи органи Банк Бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Банкнинг ижро этувчи органига Банк кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

121. Банкнинг Банк кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш йўли орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони банкнинг Банк кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Банк кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

122. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан Банк кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз мажбуриятларини бажарган давр учун ҳақ тўланиши ва Кузатув Кенгаш аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари учун компенсация тўланиши мумкин. Бундай ҳақ ва компенсациялар миқдори Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

123. Банк кузатув кенгашининг мажбуриятларига қуйидагилар қиради:

ўз ваколатларини банк акциядорларининг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш;

банкни малакали бошқаришни таъминлаш;

банк фаолияти, кредитлаш ва маблағларни инвестиция қилишни тўғри амалга оширилиши устидан жорий назоратни амалга ошириш (омонатчилар, кредиторлар ва акциядорлар манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида);

банкни доимий капитализация қилинишини таъминлаш;

банк фаолияти стратегиясини шакллантириш;

қабул қилинган Банкни ривожлантириш бизнес-режалари ижросини назорат қилиш;

банкнинг фойда кўриб ишлашини мониторинг қилиш;

ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш;

қонунчиликда ўрнатилган корпоратив бошқарув талабларига риоя этилиши юзасидан йиллик ҳисоботни Банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш.

Банк фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва Банк кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчи лавозими Банк кузатув кенгаши қарорига асосан жорий этилиши мумкин.

124. Банк кузатув кенгаши йиғилишлари қонунчилик ва Банк Акциядорлари умумий йиғилиши тасдиқлаган ички низомларда белгиланган тартибда ўтказилади.

ХІ. БАНК БОШҚАРУВИ

125. Банк бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади. Банк Бошқаруви 8 (саккиз) кишидан иборатдир.

Банк бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун Марказий банкка сўровнома юборади.

Банк Бошқарув органини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

Банк бошқаруви:

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириш;

банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Банк кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

Банк уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

126. Банк Бошқарувининг ваколатига Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Банк Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Банк кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Банк Бошқарув Раиси томонидан бошқарилади, Банк кузатув кенгаши қарори билан лавозимга тайинланади ва Акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланади.

Бошқарув Раиси ваколатларига қуйидаги масалалар қиради:

Банк Бошқаруви йиғилишларини чақириш ва юритиш, Банк фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш;

Банк Бошқаруви йиғилишлари қон тартибини белгилаш ва тасдиқлаш;

Банк кузатув кенгашига Банк Бошқаруви аъзоларига номзодларни тасдиқлаш учун тақдим этиш, Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида таклифлар киритиш;

Банк кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилишидан ва Кузатув Кенгашининг Банк Бошқарувининг мазкур аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинишидан олдин Банк Бошқаруви аъзоларининг ваколатларини тўхтатиш;

банк томонидан даъволар кўрсатилиши, қайтариб олинishi, тан олинishi, тартибга солиниши тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш;

банк номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этиш, битимлар тузиш ва қонунчиликда кўзда тутилган барча юридик ҳаракатларни амалга ошириш (тузилиши Банк уставига мувофиқ Банкнинг бошқа бошқарув органлари ваколатларига киритилган битимлар бундан мустасно);

ишончномалар бериш;

штатларни тасдиқлаш, банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган бўйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан, бўшатиш;

Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган барча ҳужжатларни имзолаш;

акциядорлар умумий йиғилишларини ўтказиш учун тайёргарлик ишлари ўтказилишини ва йиғилиш ўтказилишини таъминлаш;

устав ва қонунчилик билан белгиланган доирада Банк мулкани тасарруф этиш;

Банкнинг шўъба корхоналарида таъсисчи сифатида Банк манфаатларини ифода этиш;

Банк ходимларини рағбатлантириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ички меҳнат тартиби қоидалари, йўриқномалар, низомлар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек Банк хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида қўллайдиган технологияларни тасдиқлаш;

банкнинг қимматли қозғалар эмиссия рисолаларини ва уларнинг яқинлари тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш;

банк ходимларини ўқитишга доир режалар ва тадбирлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва таклифларни тайёрлаш;

банкнинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотлар рўйхатини белгилаш ва Банкнинг жорий фаолиятида махфийликка риоя этилишини таъминлаш;

жорий фаолият дастурларини ишлаб чиқиш;

инвестицияларни жалб қилишда иштирок этиш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгашига Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги баланси ва йиллик ҳисоботни тақдим этиш;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгашига фойда ва зарарларни тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш;

Банк устави ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш ва бошқа вазифаларни бажариш.

127. Бошқарув Раиси бўлмаган (таътил, хизмат сафарида бўлган ва ҳ.к) пайтда унинг вазифаларини Бошқарув Раиси буйруғи билан тайинланадиган Бошқарув Раиси ўринбосарларидан бири бажаради. Бошқарув Раиси вазифасини бажарувчи Бошқарув Раисининг Акциядорлар умумий йиғилиши ва Банк кузатув кенгаши қарорларини бажаришни ташкил қилишга доир барча ваколатларидан Банк устави асосида фойдаланади.

128. Банк Бошқаруви йиғилишида баённома юритилади. Банк Бошқаруви йиғилиши баённомаси Банк кузатув кенгаши, Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси), Банк аудиторига уларнинг талаби бўйича тақдим этилади.

Банк Бошқарув Раиси Банк Бошқаруви йиғилишларини ўтказишни ташкил қилади ва Банк номидан барча ҳужжатларни ва Бошқарув йиғилиши баённомаларини имзолайди. Банк Бошқарувининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларига мувофиқ Банк номидан ишончномасиз иш олиб боради.

Банк Бошқаруви йиғилишида қарорлар йиғилишда иштирок этаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Бошқаруви томонидан қарор қабул қилишда банк Бошқаруви аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда, Банк Бошқарув раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади. Бошқарув қарори, агар йиғилишда Бошқарув аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, қонуний қучга эга ҳисобланади.

129. Банк Бошқаруви Раисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда Банк ва Бошқарув Раиси ўртасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ тузиладиган шартнома билан белгиланади. Шартномани Банк номидан Банк кузатув кенгаши Раиси ёки Банк кузатув кенгаши ваколатлаган шахс имзолайди.

130. Банк, Банк Бошқаруви Раиси ва Банк Бошқаруви аъзоларининг ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бошқа муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

131. Банк Бошқаруви Раиси, Банк Бошқаруви аъзоси бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан эгаллашига Банк кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади, қонунчиликда бевосита кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

132. Банк кузатув кенгаши Бошқарув Раиси билан тузилган шартномани, агар у Банк Уставини ва шартнома шартларини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари бекор қилиш ҳуқуқига эга.

133. Банк Бошқаруви Раиси ўз фаолиятини мазкур Устав, амалдаги қонунчилик, шунингдек Банк томонидан ишлаб чиқилган ва Банк кузатув кенгаши тасдиқлаган "Бошқарув тўғрисида"ги низом асосида амалга оширади.

Банк бошқаруви банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига ҳисобдордир.

134. Бошқарув аъзолари Кузатув Кенгаш ва Банк акциядорларининг ишончли шахслари ҳисобланади, шу муносабат билан Банк ва унинг акциядорлари манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйишлари шарт.

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Банк Бошқаруви аъзолари Бошқарув аъзоларини сайлаш масаласида овоз беришга ҳақли эмас.

XII. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ, БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИ ВА БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

135. Банк кузатув кенгашининг аъзолари, Банк Бошқаруви Раиси ва Банк Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим бўлиб мазкур Устав, қонунчилик ва Банкнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ Банк олдида жавобгар ҳисобланади.

136. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

137. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Банк кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

138. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар Банкка етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Банкнинг Банк кузатув кенгаши аъзоси, Банк Бошқаруви Раиси ёки Банк Бошқаруви аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Суд Банк кузатув кенгаши аъзосини, Бошқарув Раисини ёки Бошқарув аъзосини банкка мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, Бошқарув Раисининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг раҳбарлик лавозимини эгаллаши таъқиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

Банк кузатув кенгаши аъзоси, Бошқарув Раиси ёки Бошқарув аъзоси банкка қалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

139. Банк учун зарарли ҳаракатларни амалга оширувчи акциядорлар, агар уларнинг ҳаракатлари Банкнинг тўловга лаёқатсизлигига олиб келса, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

XIII. ФИЛИАЛЛАР, ВАКОЛАТХОНАЛАР, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ЖАМИЯТЛАРНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

140. Банк Банк кузатув кенгашининг қарорига кўра, Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасида филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очилиши мумкин. Улар Банк мулки билан таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилади. Банк филиаллари ёки ваколатхоналари Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низом доирасида иш юритади. Банкнинг филиалига ёки ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулк Банкнинг

балансида хисобга олинади. Банкнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс хисобланмайди.

141. Банк филиали ёки ваколатхонасини бошқариш Банк тайинлаган ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома орқали ишларни олиб боришга ваколат берилган раҳбар томонидан амалга оширилади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни ташкил этган ва очган Банк зиммасида бўлади.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

142. Банк фақатгина акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўба ҳўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

143. Банк шўба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳукукига фақатгина шўба ҳўжалик жамияти билан тузилган битимлар мавжуд бўлганда ёки шўба ҳўжалик жамиятининг уставида назарда тутилган ҳолларда эга бўлади.

Асосий банкнинг шўба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳукуки мавжуд бўлган шартнома тузилган ҳолларда, тузилган битимлар юзасидан шўба ҳўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

Шўба ҳўжалик жамияти асосий банкнинг айби билан банкрот бўлган тақдирда асосий банк шўба ҳўжалик жамиятининг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

144. Асосий Банк ва шўба ҳўжалик жамиятининг ўзаро муносабатлари шартнома ва таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

XIV. БАНКНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ

145. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Банкда уларнинг орасидан 3 (Уч) нафаргача аъзолардан иборат миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши, ушбу қўмита фаолиятини таъминлаш харажати банк маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Банкка Банк қузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва Банк қузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёҳуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида Банк қузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига Бошқарув Ранси, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг Банк қузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

146. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар қиради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Банк қузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

конун хужжатларига ва Банк уставига мувофик бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар кўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Миноритар акциядорларнинг кўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича Банкнинг хужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар кўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолиятига Банк кузатув кенгашининг ёки Бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Миноритар акциядор хужжатларини асоссиз равишда талаб қилиш йўли билан Банк Бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

XV. БАНКНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ. МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ.

147. Банк конун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

148. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек банкнинг корпоратив веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

149. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобрақамидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулккий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

150. Банкнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Банк кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Банк Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофик тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофик ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

151. Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланиб 31 декабрда тугайди.

152. Банк:

банк уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, банк давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

банкнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи хужжатларни;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Банкнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган хужжатларни;

банкнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

банкнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қозғаларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссия рисоласини;
бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;
тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;
банк акциядорлари умумий йиғилишларининг, Банк кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчи) ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Банк Бошқарув Раисининг буйруқларини;
банкнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;
банк акциядорларининг реестрларини;
банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Банк қонун ҳужжатларига ва Банк уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

153. Банк мазкур Уставнинг 152-бандида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек Бошқарув Раисининг буйруқлари ва банк акциядорларининг реестри мустасно.

Банк акциядорнинг ёзма талабига кўра қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори Банк томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Банк сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар Банк ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

154. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилади.

Фонд биржасининг расмий веб-сайтида Банк уставининг матни, шу жумладан унга доир ўзгартириш ва қўшимчалар, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилинади.

XVI. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

155. Банк ўз молиявий ахбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини текшириш мақсадида ҳар йили ташкил аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузади. Аудиторлик ташкилоти текширув якунларига кўра Банкка аудиторлик ҳулосасини тақдим этади. Аудиторлик ташкилотига ва унинг ҳулосасига бўлган қўшимча талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

156. Аудиторлик ташкилоти Банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри ҳулосани ўз ичига олган аудиторлик ҳулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

XVII. БАНКНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ (ТАФТИШЧИ)

157. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Банк акциядорларининг умумий йиғилиши миқдор таркиби 3 (уч) нафаргача бўлган Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси)ни сайлайди. Тафтиш комиссиясининг таркиби, тафтишчини тайинлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Айни бир шахс банк тафтишчиси/тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч

мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

158. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколат доираси ва фаолият кўрсатиш тартиби конун ҳужжатлари, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган тафтиш комиссияси (тафтишчиси) тўғрисидаги Низом ҳамда Банк Устави билан белгиланади.

159. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Банк Бошқаруви Банкнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчисига) тақдим этиши шарт.

160. Банк тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) аъзолари бир вақтнинг ўзида Банк кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Банкда меҳнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.

161. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Банк кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фонзига эгаллик қилувчи акциядорларнинг талабига кўра Банк кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Банкнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

162. Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун ҳужжатларининг ва Банк ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Банк кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Мазкур Уставнинг 161-бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

163. Банк тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ўз вазифасини бажариш чоғида ўзига керакли мутахассис экспертларни иш жараёнига жалб қилиши мумкин. Жалб этилган шахсларнинг ҳаракатлари учун тафтиш комиссияси Раиси (тафтишчи) жавобгар бўлади.

XVIII. БАНКНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

164. Ички аудит хизмати — Банкдаги ички назорат ҳолатини, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини, ҳисоб-китобларнинг ишончлилиги ва аниқлигини, ҳисоботлар тўлаллиги ва ҳолислигини, банк қонунчилигига ҳамда бошқа ички норматив ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоида ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит қилиш) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самарадорлиги ва ишончлилигини оширишга доир масалалар бўйича Банк кузатув кенгашига маслаҳат берувчи мустақил таркибий бўлинмасидир.

165. Ички аудит хизмати Банк кузатув кенгашига ҳисобдордир.

166. Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунчиликда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

XIX. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ВАҚТИНЧАЛИК БОШҚАРУВ (ВАҚТИНЧАЛИК БОШҚАРУВЧИНИ ТАЙИНЛАШ) ВА БАНКНИ ТУГАТИШ

167. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Марказий банк Банкни қайта ташкил этишни рад этган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилишининг Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Банк қайта ташкил этилаётганда мазкур жараёни Марказий банкнинг рухсатномаси олинган кундан эътиборан олти ой ичида тамомлаши шарт.

168. Банкни адекват молиявий аҳволга келтириш, унинг фаолияти қонунчиликка мос келишини таъминлаш ёки бунинг иложи бўлмаса, банкни қайта ташкил этиш ёхуд тугатишга тайёрлаш мақсадида Банкда вақтинчалик бошқарув тайинланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Банк кузатув кенгашининг ёки бошқарувнинг битта ёки бир неча аъзосини алмаштириш бўйича амалга оширилган назорат чоралари етарли эмас деб ҳисобланса Марказий банк:

Банк кузатув кенгаши ва бошқарув аъзолари билан вақтинчалик ишлашга;

Банк кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларини вақтинчалик алмаштиришга;

вақтинчалик бошқарувни ва битта ёки бир неча вақтинчалик бошқарувчини тайинлашга ҳақли.

Банкни вақтинчалик бошқарувчиси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Банкнинг вақтинчалик бошқарувчиси Марказий банкка Банкнинг молиявий аҳволи ва ўз ваколатлари доирасида қўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларни Марказий банк томонидан белгиланган муддатларда, шунингдек амалга оширилган ишлар ҳақидаги якуний ҳисоботни тақдим этади.

Банкни вақтинчалик бошқарувчиси ўн икки ойгача бўлган муддатга тайинланади. Бу муддат алоҳида ҳолларда Марказий банк томонидан узайтирилиши мумкин.

169. Банк қуйидаги ҳолатларга мувофиқ тугатилади:

банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори кўра;

Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарорига асосан.

Банкни тугатиш комиссияси олдиндан Марказий банк билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, банкни тугатиш бўйича комиссия Марказий банк бошқарувининг қарори билан ташкил этилади.

Банкни тугатилиши акциядорларнинг умумий йиғилиши тайинлаган тугатувчи (тугатиш комиссияси) томонидан амалдаги қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк Марказий банк бошқарувининг лицензияни чакириб олиш тўғрисидаги қарори асосида мажбурий тугатилади. Банкни мажбурий тугатиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

170. Тугатувчи (тугатиш комиссияси) тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича, шу жумладан банк акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқаруви ваколатлари ушбу комиссияга ўтади.

Тугатиш комиссияси тайинланган санадан эътиборан икки кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Банкнинг расмий веб-сайтида Банк тугатилганлиги, шу жумладан унинг омонатчилари ва кредиторлари томонидан талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги аризаларни бериш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги эълонни чоп этиши шарт. Талабларни тақдим этиш муддати Банк тугатилганлиги тўғрисидаги хабар эълон

килинган кундан эътиборан икки ойни ташкил этади ва мазкур муддат тугаганидан сўнг тугатиш комиссияси томонидан талаблар қабул қилинмайди.

Тугатиш комиссияси қимматли қогозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ҳам ошкор қилиши керак.

Тугатиш комиссияси лицензия чақириб олинган кундан эътиборан икки ой ичида кредиторларни аниқлаш ҳамда дебиторлик қарзларини ва Марказий банкнинг мажбурий захиралар жамғармасида депозитга қўйилган маблағларни олиш чораларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда тугатилаётган банкнинг қарзларини жисмоний шахсларнинг талаблари асосида тўлашга қаратилади. бундан банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

171. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва Банк тугатилган деб ҳисобланади.

XX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

172. Банк, унинг миждозлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади. Ақс ҳолда низолар тегишли судда ёки бунга ваколат берилган органларда кўриб чиқилади.

Тикилган ва рақамланган


97 (Чўқсон ётти)

гаракдан иборат

10


11 марх 2020 йил

Имзо



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2021 йил " 9 " июли да
44-1 - сон билан рўйхатга олинган


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари



"ТРАСТБАНК"
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ

2021 йил «17» майдаги
"Трастбанк" ХАБ
Акциядорларининг навбатдаги умумий
йиғилишининг 53-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси



Т.М. Шарипов

Банк акциядорлари умумий йиғилишининг
2021 йил 17 майдаги 53-сонли
Мажлис баённомасига 1-сонли Илова


26-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

Банкнинг устав капитали 360 250 000 000 (Уч юз олтиинч миллиард икки юз эллик
миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қўйидаги акцияларга тақсимланган:

Оддий – 360 227 000 (Уч юз олтиинч миллион икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.

Банк Кузатув Кенгаши Равси



Т.М. Шарипов

Тикчилгээг нь баталсан


16 (үн / саям)

аврагдсан өсөлт

9 саям

2021 жил

Нэмэ



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2022 йил "10" ИЮН да
14/2 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарув Раёсатининг биринчи ўринбосари
Б.З. Захидов



**“ТРАСТБАНК”
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР**

2022 йил «20» майдаги
“Трастбанк” ХАБ
Акциядорларининг навбатдаги умумий
йиғилишининг 55-сон баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Т.М. Шарипов



Т.М. Шарипов

**"Трастбанк" хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 110-банднинг пикничи қисмида "олтмиш кун" деган сўзлар "ўн кун" деган сўзлар билан алмаштирилсин

2. 115 банднинг:

Биринчи қисмида "1 (Бир) йил" деган сўзлар "3 (Ҳ) йил" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Банк кузатув кенгаши таркибига миноритар акциядорлар қўлаб – қувватловчи аъзолар киритилиши мумкин. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустакил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Банк кузатув кенгаши 7 (етти) кишидан иборатдир. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кузатув кенгашидаги аъзолиги мустафо".

3. 142-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин.

"Банк акциядорлик жамияти Ҳки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шуъба ва тобе ҳужалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Банк томонидан нобанк кредит ташкилотлари қонунчиликда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади.

Шуъба ҳужалик жамияти ўзининг асосий жамияти мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди".

Банк Кенгаши Раиси



Т. Шарипов


Тикчилган ва рақамланган

18 (7-й сарни)

варақлаи иборат

12 июни

Имзо



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

2023 йил "30" май да

44/3- сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Бошқарув Раиси Биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев



"ТРАСТБАНК"
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
УСТАВИГА ҚЎШИМЧА ва ЎЗГАРТИРИШЛАР

2023 йил «19» майдаги


"Трастбанк" ХАБ

Акциядорларининг навбатдаги умумий

йиғилишининг 57-сон баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси



Т.М. Шарипов

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар

1. 26 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
Банкнинг устав капитали 560 250 000 000 (Беш юз олтмиш миллиард икки юз эллик миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:
Оддий – 560 227 000 (Беш юз олтмиш миллион икки юз йигирма етти минг) дона;
Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.
2. 27 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 500 000 000 (Беш юз миллион) дона, жумладан:
Оддий акциялар – 500 000 000 (Беш юз миллион) дона.
3. 110-бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банк акциядорлари умумий йигилиши чақирилишидан 10 кун олдин Банкнинг кузатув кенгаши ва Банк тафтиш комиссияси аъзоллигига (тафтишчисига) ушбу кенгашнинг ва комиссиянинг (тафтишчиларнинг) сон таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзоллигига номзодлар кўрсатиш мустасно.
4. 115 банднинг бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“Банк кузатув кенгаши таркибига миноритар акциядорлар манфаатларини қўллаб – қувватловчи аъзолар киритилиши мумкин. Банк кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, бунда кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзо сони алоҳида кўрсатилиши керак. Банк кузатув кенгаши 7 (етти) кишидан иборатдир. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг Банк кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно”.
5. 121 банднинг иккинчи қисмида “лозим бўлган шахслар сонига” деган сўзлар “керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
6. 125 бандининг биринчи қисмидаги “8 (саккиз)” деган сўзлар “9 (тўққиз)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
7. 133 бандининг биринчи қисмида “Банк кузатув кенгаши тасдиқланган” деган сўзлар чиқариб ташлансин.
8. 138 банди қуйидаги мазмундаги туртинчи қисм билан тўлдирилсин:

“Агар банкнинг Бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида банкка зарар етказилган бўлса ва бунда Бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзоларининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади”.

9. 145-бандининг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Банкка Банк кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади, бундан кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш тартиби мустасно”.

10. 157-бандининг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Банк акциядорларининг умумий йиғилишида Банк тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш мумкин. Тафтиш комиссиясининг таркиби, тафтишчини тайинлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Банк Кенгаши Раиси




Т.М. Шарипов

20 (inexp.)

НАДЯКАН ИБОРАТ

30 JUL 2002

M30



Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан

2024 йил "5" июл да

44/4 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Бошқарув Раиси Биринчи ўринбосари



И.А. Садуллаев

"ТРАСТБАНК" ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

2024 йил «14» июндаги


"Трастбанк" ХАБ

Акциядорларининг навбатдаги умумий
йиғилишининг 60-сон баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси

М.Ш. Шарипов



Т.М. Шарипов

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 33 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк кредиторлари банк устав капитали камайтирилганлигидан хабар топган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли”.

2. XIII – боб. номидаги “филиаллар” деган сўз “банк хизматлари офислари” деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 63 банд биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги “банкротлик” деган сўз “тўловга қобилиятсизлик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 79 бандининг иккинчичи қисмидаги “банкрот” деган сўз “тўловга қобилиятсиз” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 81 бандининг биринчи қисмининг:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“тўловга қобилиятсизлик бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида тўловга қобилиятсизликнинг аломатлари юзага келганда”

еттинчи хатбоши “банкротлик” деган сўз “тўловга қобилиятсизлик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 116 банд биринчи қисмининг йигирманчи хатбошисидаги “филиаллари” деган сўз “банк хизматлари офислари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 140-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банк Банк кузатув кенгашининг қарорига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари офислари ташкил этиши, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин. Улар Банк мулки билан таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилади. Банк хизматлари офислари ёки ваколатхоналари Банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган Низом доирасида иш юритади. Банкнинг банк хизматлари офисига ёки ваколатхонасига бериб қўйилган мол-мулк Банкнинг балансида ҳисобга олинади. Банкнинг банк хизматлари офиси ва ваколатхонаси юридик шахс ҳисобланмайди.

8. 141 бандининг:

биринчи ва иккинчи қисмидаги “филиал” ва “филиали” деган сўзлар “банк хизматлари офиси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

учинчи қисми чиқариб ташлансин.

9. 143 бандининг учинчи қисмидаги “банкрот” деган сўз “тўловга қобилиятсиз” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 152 банд биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги “филиали” деган сўз “банк хизматлари офислари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Банк Кенгаши Раиси



Шарипов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан

2024 йил "20" сентябрда

44/5 - сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Бошқарув Раиси Биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев



"ТРАСТБАНК"
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ
УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

2024 йил 9 сентябрдаги


"Трастбанк" ХАБ Кузатув Кенгаши

йиғилишининг 123-сон баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси

Т.М. Шарипов



**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 26 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Банкнинг устав капитали 1 000 250 000 000 (Бир триллион икки юз эллик миллион) сўм миқдорида шакллантирилган ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

Оддий – 1 000 227 000 (Бир миллиард икки юз йигирма етти минг) дона;

Имтиёзли – 23 000 (Йигирма уч минг) дона.


2. 27 банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Устав капиталини қўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 60 000 000 (Олтамиш миллион) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 60 000 000 (Олтамиш миллион) дона.

Банк Кузатув Кенгаши Раиси

Т.М. Шарипов




Tikilgan va raqamlangan

6 (Olti)

varaqdan iborat

2024-yil 20 - September

Imzo



Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки томонидан

2025 йил “18” март да

44/6- сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Бошқарув Раиси Биринчи ўринбосари



“ТРАСТБАНК” ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ


2025 йил «21» февралдаги

“Трастбанк” ХАБ

Акциядорларининг навбатдан ташқари
йиғилишининг 61-сон баённомаси билан

ТАСДИҚЛАНГАН

Банк Кузатув Кенгаши Раиси



М.Ў.

Т.М. Шарипов

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
Уставига киритилаётган ўзгартириш**

1. 27 банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

Устав капиталини кўпайтириш мақсадида Банк чиқариши мумкин бўлган
эълон қилинган акциялар сони 1 000 000 000 (Бир миллиард) дона, жумладан:

Оддий акциялар – 1 000 000 000 (Бир миллиард) дона.

**Банк Кузатув
Кенгаши Раиси**



Т.М. Шарипов



Tikilgan va raqamlangan

8 (Sakkiz)

varaqdan iborat

2025-yil 11-mart

Imzo

